ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 45
(914)
2024 йил
7 ноябрь,
Пайшанба



Гендер тенглик

МАМЛАКАТ МАНФААТДОР БЎЛГАН МАСАЛА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари қабул қилинган. Мазкур вазифалар доирасида гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда бошқа соҳаларда зарур чоралар белгилаб олинган.

Мамлакатимизда Барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси, сенатор Манзура Салимова билан суҳбатимиз гендер тенглиги масаласи ва унинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида бўлди.



– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан 2021 йил 28 майда 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланган эди. Мазкур стратегияни амалга татбиқ қилиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда. Суҳбатимиз аввалида шу ҳақда маълумот берсангиз?

– Дунёнинг кўпгина мамлакатларида, юртимизда ҳам кейинги йилларда гендер тенглик масаласида сезиларли ўзгаришлар бўлди. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ҳам мана шу йўналишдаги дадил қадамдир. Лекин қонунчилигимизда мазкур стратегия ишлаб чиқилгунига қадар ҳам гендер тенглик масаласида сезиларли ўзгаришлар бўлганини алоҳида таъкидлаш ўринли деб ўйлайман. Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлашнинг қонунчилик ва институционал негизини мустаҳкамлаш йўлида муҳим чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистон гендер сиёсати бўйича ҳуқуқий базага эга энг ёш давлат бўлишига қарамасдан, бугунги кунга қадар мамлакатимизда ушбу йўналишда 42 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Хусусан, иккита муҳим қонун – “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Қонунга мувофиқ, ҳар бир вазирлик ва идорада гендер тенглик масалалари бўйича Маслаҳат кенгашлари ташкил этилди. 2019 йил 28 августда Оила кодексининг 15-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар (ЎРҚ–558) киритилиб, никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун бир хил ўн саккиз ёш этиб белгиланди.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 69-мақсади – Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган.

Ушбу стратегия ижроси юзасидан хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш мақсадида Миллий дастур тасдиқланди.

(Давоми 3-саҳифада)

Бугуннинг гапи



Орол фожиаси туфайли Марказий Осиёда иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари жиддий даражада сезилмоқда. Минтақамизда ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўпдир. Фавқулодда иссиқ кунларнинг сони икки баробар ортиши ва музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолиши кузатилмоқда. Сўнгги 30 йилда Марказий Осиёда исиш суръати дунё бўйлаб ўртача кўрсаткичдан юқори бўлиб, ўртача йиллик ҳарорат 0,5 даражага ошган. 2085 йилгача ҳарорат 2,0-5,7 даражага ошиши кутилмоқда.

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ – АСОСИЙ МАҚСАД

Ҳозирги вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик зарурати барча мамлакатларнинг бир-бирига бўлган экологик боғлиқлигининг ўсиб бориши билан белгиланади. Озон қатламининг бузилиши, атмосфера ва океанларнинг ифлосланиши ҳамда сайёрамиздаги ҳароратнинг кўтарилиши экологик хавфли фаолиятга йўл қўйилган мамлакатларга эмас, балки бутун дунё ҳамжамиятига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли бугунги кунда қатор давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан экологик хавфсизлик масалаларида ҳамкорликни йўлга қўйган. Бундай ҳамкорлик халқаро ҳамжамият томонидан умумэътироф этилган қатор тамойилларга асосланади. Улар қисман давлатлараро шартномалар ва актларда, халқаро ташкилотларнинг норматив ҳужжатларида ўз аксини топган ва, асосан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бу соҳада давлатлар ҳамда халқлар ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солишга бағишланган энг муҳим халқаро конференциялар қарорларида умумлаштирилган.

(Давоми 2-саҳифада)

Мактабгача таълим



БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлаш, мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш, нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш ҳозирда долзарб вазифага айланган.

Ана шу нуқтаи назардан Олмалиқ шаҳридаги давлат ва нодавлат таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг иш фаолияти билан яқиндан танишдик. Шаҳардаги 3-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ўзига хос нуфузли таълим муассасаларидан бири. Катта таълим тажрибасига эга бўлган мазкур муассаса бир неча бор жамоатчилик асосидаги опен бюджетида ғолиб чиқиб, давлат стандартларига мос замонавий услубда таъмирланганлиги эътиборга молик. Ҳозирда ушбу таълим ташкилотида 330 нафар болажонлар тарбияланаётган бўлса, уларнинг 50 нафари мактабга тайёрлов гурухида бепул ўқитилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ – АСОСИЙ МАҚСАД



(Бошланиши 1-саҳифада)

Айнан шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашиш учун минтақани бирлаштиришга қаратилган муҳим иқлим ташаббусларини фаол илгари сурмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу ғоялари минтақа мамлакатлари томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланмоқда.

Марказий Осиё учун ягона иқлим кун тартибини шакллантиришнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон томонидан давлат раҳбарларининг 5-йиғилишида иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича Минтақавий стратегия ишлаб чиқиш ташаббуси эълон қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбари экология вазирлари даражасидаги кўп томонлама платформа – “Марказий Осиё иқлим мулоқоти”ни ташкил этишни таклиф қилди, у эса, Марказий Осиё мамлакатларининг “яшил” ривожланиш йўлида интеграцияловчи бўғин бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясида (COP28) ҳам бир қатор таклифларни илгари сурди. Жумладан, Президентимиз Париж шартномаси доирасида Иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасидаги Глобал ҳадли механизмни тезроқ келишишга чақирди. Шу билан бирга, Глобал миқёсда кам углеродли иқтисодиётга ўтиш адолатли, шаффоф ва инклюзив бўлиши зарурлиги, бунда ривожланаётган давлатларнинг манфаатлари албатта инобатга олиниши жуда муҳимлигини қайд этди. Ушбу долзарб муаммони мунтазам равишда, шу жумладан “Катта еттилик” ва “Катта йигирмалик” форматлари кун тартибларида кўриб чиқиб боришни таклиф қилди.

Ўзбекистон 2019-2030 йилларга мўлжалланган “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини қабул қилди. Мазкур стратегиянинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Табиий ресурсларни асраб-авайлаш: Суғориш тизимларини модернизация қилиш, сув тежамкор технологияларни жорий этиш.

Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш: Қуёш, шамол ва биомасса энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш.

Иқтисодиёт тармоқларида тежамкор воситаларни жорий этиш: Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида энергия самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистонда экологик барқарорликни таъминлаш учун қонунчилик ҳам такомиллаштирилмоқда. Бу қонунлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган.

“Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳаси Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида амалга оширилмоқда. Лойиҳа қиймати 205 миллион доллардан ортиқ бўлиб, у 6 йил давомида амалга оширилиб борилади. Мақсадлар қаторига ўрмонлар ҳудудини кенгайтириш, ўрмон хўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, барқарор бошқарувни жорий этиш ва экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш каби вазифаларнинг ҳам киритилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

2023 йилнинг 11 сентябрида Ўзбекистон Президентининг Фармони билан қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доирасидаги ислоҳотлар устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланди. Стратегия доирасида қатор чора-тадбирлар назарда тутилган бўлиб, улар самарали амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2024 йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси тадбирларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 мартдаги 144–Ф-сонли фармойиши қабул қилинди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистоннинг экологиясини яхшилаш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш мақсадида қатор муҳим ташаббусларни ўз ичига олган.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йил баҳорги кўчат экиш мавсумида Республика бўйича 138,1 миллион туп дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бу кўрсаткич режага нисбатан 110,5 фоизни ташкил этди. Лойиҳанинг ушбу қисми нафақат экологияни яхшилаш, балки шаҳарларимизнинг эстетик кўринишини яхшилашга ҳам қаратилган. Хусусан, 257 та “Яшил боғлар” барпо этилди, уларнинг умумий сони 517 тага етди. Шунингдек, саноат корхоналари ҳудудлари ва атрофида 5,3 миллион туп дарахт кўчатларини экиш орқали “Яшил белбоғлар” ташкил қилинди. Ушбу саъй-ҳаракатлар саноат корхоналарининг таъсирини камайтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилди.

Юқоридаги эътироф этилган ишлар бўйича вазирлик ва идоралар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, Мудофаа вазирлиги 100 гектар, Рақамли технологиялар вазирлиги ва Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги 65 гектардан боғ яратди. Ушбу саъй-ҳаракатлар лойиҳанинг кенг қамровли ва барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда автомобиль ва темир йўл бўйлари, дарё ва канал ёқалари, саноат корхоналари ва ёқилғи қуйиш шохобчалари атрофида ҳам дарахтлар экилиши йўлга қўйилган. Булар, айниқса, транспорт ва саноатнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган. Йилига ўртача 6,8 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Сўнгги йилларда санитар тозалаш хизмати билан қамраб олинган маҳаллалар сони 90 фоиздан ошди. Чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси 2024 йил 1 июль ҳолатига 38,1 фоизни ташкил этди, февраль ҳолатига бундай корхоналар сони 313 тани ташкил этди.

Чиқинди полигонларини тартибга келтириш ва чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилмоқда. Ҳар бир вилоятда жойлашуви қулай бўлган 3-4 тадан полигон махсус эко-саноат зонасига айлантирилиб, қайта ишлаш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Қолган полигонларда чиқиндини вақтинча тўплаб, қайта юклайдиган станцияларни ишга тушириш бўйича янги амалиёт қўлланилмоқда. Ресурсини ўтаб бўлган полигонлар ёпилиб, уларнинг атрофида терак, тут, гужум ва заранг экилиб, “яшил белбоғлар” барпо этилмоқда.

> **Ички ислоҳотлар доирасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси, экологик қонунчиликни такомиллаштириш ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича янги тизимлар жорий этилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатнинг экологик барқарорликка эришишга бўлган интилишини намоён этмоқда.**

Умуман олганда, мазкур лойиҳалар мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва аҳоли учун соғлом муҳит яратишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур лойиҳалар орқали Ўзбекистон экологик барқарорликка эришишга ва яшаш сифатининг яхшиланишига интилаётганини кўрсатади.

Марказий Осиёда иқлим ўзгаришлари нафақат табиий муҳитга, балки ижтимоий-иқтисодий шароитларга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу ўзгаришлар озиқ-овқат хавфсизлиги, камбағалликни қисқартириш ва барқарор ривожланишга қаратилган саъй-ҳаракатларга тўсқинлик қилади. Орол денгизи фожиаси ва ҳаво ҳароратининг ошиши Марказий Осиё мамлакатлари учун жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати иқлим ўзгаришлари ва унинг салбий оқибатларига қарши курашиш учун қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Халқаро ҳамкорлик доирасида Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича Минтақавий стратегия ишлаб чиқиш ва “Марказий Осиё иқлим мулоқоти”ни ташкил этиш таклифлари муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясида (COP28) Ўзбекистоннинг фаол иштироки, Париж шартномаси доирасида Глобал ҳадли механизмни тезроқ келишишга чақириш ва кам углеродли иқтисодиётга ўтиш масалаларидаги таклифлари, мамлакатнинг бу йўналишдаги қатъий позициясини кўрсатади.

Ички ислоҳотлар доирасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси, экологик қонунчиликни такомиллаштириш ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича янги тизимлар жорий этилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатнинг экологик барқарорликка эришишга бўлган интилишини намоён этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон иқлим ўзгаришлари ва унинг оқибатларига қарши курашишда фаол қатнашмоқда. Ҳукуматнинг экологик ташаббуслари ва ислоҳотлари минтақа халқлари учун соғлом ва барқарор муҳитни яратишга қаратилган. Бундан ташқари, халқаро ҳамкорлик доирасидаги ташаббуслар минтақанинг экологик барқарорлигига хизмат қилади.

Авазбек ХОЛБЕКОВ.
“Тараққиёт стратегияси” маркази бўлими бошлиғи

МАМЛАКАТ МАНФААТДОР БЎЛГАН МАСАЛА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шу билан бирга, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ҳам қабул қилинди. Қабул қилинаётган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мажбурий гендер-ҳуқуқий экспертизасидан ўтказиш жорий этилди.

Шунингдек, 2022 йил 15 декабрь куни “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” Қонун (ЎРҚ–809-сон) қабул қилиниб, гендер тенгликни таъминлашнинг янги механизми – “гендер аудит” нормаси киритилди.

– Глобал ўзгаришлар, иқтисодий инқирозлар, турли хил ижтимоий-сиёсий воқеалар жадал тус олган бугунги замонавий дунёда гендер тенгликка қай даражада эришилмоқда деб ўйлайсиз? Сизнингча, Янги Ўзбекистон ҳам ривожланган хорижий давлатлар қаторига киришида гендер тенгликнинг аҳамияти қандай?

– Бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистон ислоҳотлари инсон манфаатлари устунлигини таъминлаш баробарида жамиятда хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини устувор қадриятлардан бири сифатида ҳимоя қилишга қаратилган. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шунга қарамай, дунёда хотин-қизлар эркаклар эга бўлган ҳуқуқларнинг фақат 75 фоизидангина фойдаланилмоқда. Оқибатда, ҳали-ҳануз аёлларнинг иш топиши, ўз бизнесини йўлга қўйиши ва иқтисодий қарорлар қабул қилиши қийинроқ бўлиб, бу уларнинг нафақат оилалари, балки мамлакат иқтисодиёти учун ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Демак, гендер тенглик – бу шунчаки аёллар манфаатидаги омил эмас, балки бутун мамлакат, таъбир жоиз бўлса, жамият манфаатдор бўлган масала.

Бундан ташқари, БМТ кўмагида Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти ташкил этилди (2020) ҳамда Ўзбекистон раислигида Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти платформаси яратилиб, бугун ушбу платформа 14 та ҳудуддаги турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи 170 дан ортиқ фаол аёлларни бирлаштирмоқда. Парламентлараро Иттифоқнинг 2023 йил 1 январда эълон қилинган “Сиёсатдаги аёллар” жаҳон рейтингида дунёдаги 190 та миллий парламентлар ўртасида 52-ўринда бормоқда. Мухтасар қилиб айтганда, ютуқлар билан бирга бу борада амалга оширадиган ишларимиз ҳам жуда кўп.

– Оила Ватан ичидаги кичик Ватандир. Оилаларнинг мустаҳкамлиги жамиятда ривожланиш, юксалиш бўлишини таъминлайди, албатта. Шу жиҳатдан қараганда, юртимизда оила институтининг ўрнини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин оилавий ажримлар, тўлиқсиз оилалар сони ортиб боришда давом этмоқда. Мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлаш, оилаларда пайдо бўлаётган мана шу бўшлиқни тўлдириш учун қандай амалий ишлар қилинмоқда? Шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз?



– Сўзларингиз ўринли. Юрт фаровонлиги кўп жиҳатдан оилалар мустаҳкамлигига ҳам боғлиқ. Оилалардаги муҳит жамиятда ўз аксини топиши ҳам бор гап. Шу боисдан, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида энг қуйи бўғин – маҳалла ва хонадонгача кириб борадиган вертикал тизим яратилди. 9 452 та маҳаллада бевосита Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тизимига бўйсунувчи хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди. Хотин-қизлар фаоллари очиқ танлов асосида, меритократия тамойилига кўра тажрибали аёллар орасидан лавозимга қўйилади. Улар нотинч оилалар билан алоҳида ишламоқда, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир хонадонгача кириб бормоқда. Оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича ҳам режали ишларни амалга оширмоқда. Агар аёл фақат оиласида эмас, жамиятда ҳам фаол, билимли, тадбирли, иш билармон бўлса, бу оилага ҳам, жамиятга ҳам фойда келтиради. Аёл бир қўли билан оилани, бир қўли билан дунёни тебратади. Шу боисдан ҳам, бугунги кундаги ҳар бир ислоҳот хотин-қизларимизнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган.

Давлат бошқаруви академияси томонидан турли соҳаларида фаолият олиб бораётган фаол хотин-қизларнинг касбий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни раҳбарликка тайёрлаш бўйича 3 та алоҳида ўқув дастури асосида жами 14 054 нафар хотин-қиз ўқитилди.

Давлат бошқаруви академияси ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича 552 соатлик “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур асосида икки босқичда: биринчи босқичда 47 нафар, иккинчи босқичда 53 нафар фаол хотин-қиз ўқитилди. Улардан 3 нафари Республика бошқарув соҳасида ишламоқда.

Шу билан бирга, Давлат бошқаруви академияси томонидан раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича 60 соатлик малака ошириш курсларининг ўқув режа-дастурлари ишлаб чиқилди. Ўқув режа дастурлар асосида вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўқув курслари ташкил этилиб, жами 319 нафар раҳбар хотин-қизларнинг малакаси оширилди.

Бугунги кунда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг қарийб 42 мингтасида хотин-қизлар раҳбарлик қилади, шунингдек, фаолият олиб бораётган 243 мингга яқин якка тартибдаги тадбиркорларнинг 140 мингдан ошиғи ёки 42 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиб, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда.

Жаҳон банки Ўзбекистондаги гендер ҳолати бўйича ҳисоботининг асосий хулоса ва тавсияларига кўра, агар аёллар иқтисодий ҳаётда эркаклар билан тенг иштирок эта олса, Ўзбекистон ялпи миллий даромади тахминан 29 фоизга ошиши ва 700 мингдан ортиқ одам камбағалликдан чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилиб, унинг самарали фаолияти йўлга қўйилди. Барча тижорат банклари бошқаруви раисларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари лавозими, Ички ишлар вазирлиги тизимида хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор лавозими жорий этилди. 2019 йилда биринчи маротаба Ўзбекистон тарихида Парламент юқори палатаси раиси аёл киши бўлди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловнинг барча босқичларида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг асосда иштирок этишини кузатувчи 11 та индикатор ишлаб чиқилди. Мазкур индикаторлар 2021 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясидан бошлаб амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Янгиланган Конституциямизнинг 58-моддасида Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга, жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлайди деб белгиланди. Хусусан, жорий йил парламент депутатлигига жами номзодларнинг 44,7 фоизини ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодларнинг 42,5 фоизини аёллар ташкил этди.

Амалга оширилаётган барча ислоҳотлар хотин-қизларни қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга, уларнинг имкониятлари янада кенгайишига ва оилалар фаровонлигини таъминлашга кенг йўл очиб беради.

Гулзат ҚУРБОНОВА
суҳбатлашди.

БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Ташкилотда кадрлар салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилаётир. Зукко ва билимдон педагог- ҳодимлардан иборат тарбиячилар “Йил тарбиячиси” кўрик –танловида мунтазам иштирок этиб Республика босқичида ҳам ғолибликни қўлга киритганлиги жамоа салоҳиятидан далолатдир. Ана шундай ғолибалардан Фотима Худойқулова, Зарнигор Қодирова, Азиза Гелдиеваларнинг мактабгача таълим вазирлиги тавсиясига биноан олий ўқув юртларида таҳсил олаётганлиги уларга қўшимча куч ва ғайрат бағишламоқда.

Мамлакатимизда 2030 йилгача мўлжалланган Тараққиёт стратегиясига мувофиқ 3-7 ёшли болаларнинг компьютер саводхонлиги бўйича дастлабки кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида махсус гуруҳлар ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари жамоа аъзолари 3-7 ёшли болалар ўртасида бўлиб ўтган “Гимнастикага илк қадам” кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этиб ғолибликни қўлга киритишди. “Баркамол авлод” мактаби билан ҳамкорликда муассасада шахмат-шашка, ментал арфиметика, гимнастика сингари тўгаракларнинг йўлга қўйилганлиги нафақат жамоани, балки ота-оналарни ҳам ҳурсанд қилмоқда.

– Режаларимиз янада юксак, – дейди биз билан суҳбатда ташкилот директори Гулрух Насруллаева. –Тарбиячи-педагогларимизнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб инглиз тилини ўрганишга ихтисослашган ўқув курсини очмоқчимиз. Ташкилотимизга болажонларни кўпроқ қамраб олиш мақсадида эса қўшимча бино барпо этиш режамизда турибди. Агар бу амалга ошса, яна 180 нафар болаларни қамраб олиш имконига эга бўламиз. Бундан ташқари қишки чўмилиш ҳавзасини, “Туз ғори” ни ташкил этмоқчимиз. Бунинг натижасида болажонларни соғломлаштириш ишлари янада яхши йўлга қўйилади. Спорт майдончаларини замонавий кўринишга келтириш ишлари ҳам диққат марказимизда бўлади.

Хуллас, давлатга қарашли мактабгача таълим ташкилотлари олдида ўзига хос истиқболли режалар турганлиги ойдек равшан.

Шаҳардаги “Илк қадам” оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасасининг ташкил этилганлигига ҳали кўп бўлмасада, қисқа фурсат ичида 50 нафар болажонларни ўз бағрига қамраб олди. Давлат хусусий шерикчилик асосидаги мазкур жамоада 2 та гуруҳ ташкил этилган бўлиб, замонавий интерактив талабларни тўлиқ ўзида мужассам этган. Ушбу даргоҳда ижтимоий химояга муҳтож оилаларнинг бир неча фарзандлари имтиёз тариқасида бепул тарбияланмоқда. Албатта, ушбу муассасанинг ташкил этилишида ёш тадбиркор Иброҳим Тошбоев барча ишларга бош-қош бўлди. Айнан унинг ташаббуси биалн Вазирлар Маҳкамасининг 426-сонли қарори ижросини таъминлаш йўлида муҳим илк қадамлар олға ташланди.

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, ҳозирда муассасада болажонлар учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Рус ва инглиз тилларини ўрганишга йўналтирилган тўгараклар ишлаб турибди. Нутқида нуқсони бор болалар тарбияси билан шуғулланувчи логопед фаолият кўрсатади. Тарбиячилардан Шоҳиста Ибрагимова ҳамда Зоҳида Абдуқодироваларнинг фаоллиги, жонкуярлиги мақтовга сазовор. Шуниси диққатга сазоворки, муассасада кўпроқ ўйинга асосланган таълим жорий этилган. Бу эса болажонларнинг қизиқишини, истак ва хоҳишларини янада оширмоқда.

– Хайрли иш сари илк қадам ташлаганимдан жуда хурсандман, – дейди мамнунлик билан Иброҳим Тошбоев. – Келгусида бу ишларни янада жадал давом эттирмоқчимиз. 150 ўринга мўлжалланган янги бино барпо этилади. Катта замонавий турдаги инклюзив таълим гуруҳлари ташкил этилади. Мақсадимиз имкон қадар болажонларга чуқурлаштирилган холда таълим беришдан иборатдир.

Ҳа, “Илк қадам”нинг қадамлари бундан-да, қутлуғ, бундан-да, зафарли бўлишига биз ҳам тилакдошмиз.

Ашурали БОЙМУРОД

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ДОИМО ИЖОБИЙ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кўзда тутилган вазифалар нафақат мамлакатимиз, балки хорижлик экспертларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Пойтахтимиз Тошкентда Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази томонидан ўтказилган “Эркин фуқаролик жамияти ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш” мавзусидаги халқаро анжуманда ҳам бу жиҳат яққол кўзга ташланди. Қуйида улардан айримларининг фикрлари берилмоқда.



Камакши УОСОН,
«Тиллотома Фоундатион»
бош операцион директори:
(Ҳиндистон)

— Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари этиб сайланганидан сўнг Ўзбекистонда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Айниқса, фуқаролик жамияти институтлари учун янги имкониятлар яратилди. Жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилди, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилди ва солиқ имтиёзлари жорий этилди.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтларини молиялаштиришда аниқ мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда. Халқаро ҳамкорлик доирасида Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро донорлар ўзбек ННТларини ривожлантиришга молиявий кўмак бериб келмоқда.

Ўзбекистонда мазкур соҳани рақамлаштириш борасида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, Энго.уз платформаси ННТларни рўйхатга олиш ва молиялаштиришнинг шаффоф тизимини яратишга хизмат қилмоқда. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш жараёнига ёшларни жалб этиш ҳам устувор йўналишлардан бирига айланди. Ўзбекистон ёшлари орасида бу соҳада фаолларнинг кўпайиши эътиборга молик.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришмоқда. Мамлакатингиз бундан буён ҳам барқарор фуқаролик жамиятини барпо этиш ва мустаҳкамлашда муваффақият қозонишига тилакдошман.

Тиберио ГРАЦИАНИ,
«Висион & Глобал Трендс»
таҳлилий маркази директори
(Италия):

— Фуқаролик жамияти институтлари ғоялар ва стратегияларни тарғиб қилиш орқали жамиятда ижтимоий аҳамиятга эга қарорларни қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этади. Улар жамият дуч келаётган муаммоларни ҳал этишда етакчи роль ўйнайди. Шунингдек, жамиятнинг турли қатламлари ўртасида мулоқотни кучайтириш ва ҳукумат билан самарали ҳамкорлик ўрнатишда воситачи вазифасини бажаради.

Фуқаролик жамияти инновацион ечимлар ва стратегияларни такомиллаштириш орқали давлат бошқарувида янада шаффоф ва самарали қарорлар қабул қилинишига туртки бермоқда.



Фуқаролик жамияти институтлари жамият ҳаётидаги кучли ва заиф томонларни аниқлаб, фойдали ечимларни таклиф этишда муҳим ўрин тутади. Улар Ўзбекистоннинг халқаро имижини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини яққол намоён этмоқда.

Бану НУРГАЗИЕВА,
Қозоғистон Фуқаролик Альянси Президенти:



— Ўзбекистонда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техник шарт-шароитлар яратилган. Давлат томонидан уларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ижтимоий буюртмалари ва грантлари орқали ижтимоий хизматлар кўрсатишда фаол иштирок этмоқда. Натижада уларнинг касбий салоҳияти тобора ошиб бормоқда.

Шу билан бирга, рақамли технологиялар ёрдамида фуқароларнинг жамоатчилик назоратидаги иштироки кучаймоқда. Хусусан, фуқаролар онлайн платформалар орқали давлат органлари фаолиятини кузатиш ва баҳолаш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Наим АЛЛОҲ РАХА,
Покистон Олий суди адвокати:



— Бугунги кунда рақамли технологиялар ҳаётимизнинг барча соҳаларини, жумладан демократик жараёнлар ва сайлов тизимини тубдан ўзгартирмоқда. Ўзбекистон ҳукумати бу йўналишда изчил ислоҳотларни амалга ошириб, демократик жараёнларни рақамли трансформация билан уйғунлаштириш орқали янги тараққиёт босқичига кўтарилмоқда.

Бу борада “E-SAYLOV” ахборот тизимининг жорий этилиши муҳим қадам бўлди. Мазкур тизим орқали сайловчиларнинг электрон рўйхатлари шакллантирилмоқда, сайлов жараёнлари иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар рақамли шаклга ўтказилмоқда. Бу эса ўз навбатида сайлов жараёнларининг шаффофлиги, очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари қаторида Ўзбекистон ҳам электрон сайлов ва электрон овоз бериш тизимларини жорий этиш орқали фуқароларга сайлов билан боғлиқ маълумотларни қулай тарзда олиш имконини бермоқда. Бу эса фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнларидаги иштирокини янги босқичга олиб чиқиш билан бирга, замонавий технологиялар асосида сайлов тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.



ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРГА ГУВОҲМИЗ»



Мьюша СЕВЕР,
Регионал Диалогуэ ташкилотининг ҳаммуассиси ва директори:

— Хорижий сафарларим давомида Ўзбекистон ҳақида доимо ижобий фикр-мулоҳазаларга гувоҳ бўламан. Яқинда мамлакатда Конституциянинг янги таҳрири қабул қилинди. Амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида Ўзбекистоннинг Асосий қонуни Европа давлатлари конституциялари билан таққослаганда, замонавий ва демократик тамойилларга асосланган ҳужжат сифатида эътироф этилмоқда.

Бу эса мамлакатда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали мулоқот йўлга қўйилганидан далолат беради. Ўзбекистонда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги мувозанат ижобий даражада. Бу ҳолат йигирма йил олдинги Ўзбекистондан кескин фарқ қилаётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Айниқса, аёлларнинг сиёсий фаоллиги ва уларнинг жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда аёлларнинг бошқарув ва етакчилик соҳаларидаги иштироки ҳам эътиборга молик.

Ушбу ижобий амалиётни янги сайланадиган парламент ва жамоат вакиллари ўртасида давом эттириш муҳим. Парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва амалга оширилаётган ислоҳотлар юқори савияда. Айниқса, парламент томонидан қабул қилинадиган янги қонунларда фуқаролар ва фуқаролик жамияти вакилларининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш демократик жараёнларнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Патрик ОЛССОН,
Лунд университетининг социология ва ҳуқуқ профессори (Швеция):



— 2016 йилдан буён Ўзбекистонда Президент раҳбарлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шаффофликни таъминлаш ва демократияни ривожлантириш борасида янги меъёрлар жорий этилмоқда. Бу жараённинг самарали амалга ошишида учта асосий омилни алоҳида қайд этиш зарур: ҳуқуқий билимлар, сиёсий ирода ва тизимли имкониятлар.

Сиёсий иродага тўхталадиган бўлсак, сўнгги саккиз йил мобайнида Ўзбекистонда туб ислоҳотлар амалга оширилди. Жамиятни демократлаштириш ва очиқликни таъминлаш йўлида кучли сиёсий ирода намоён этилди.

Қонунларнинг самарали татбиқ этилишида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистондаги ислоҳотларда алоҳида ўрин тутадиган яна бир муассаса – бу маҳалла институтидир. Маҳаллалар янги қонунларни ҳаётга жорий этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, очиқлик ва шаффофликни рағбатлантириш ҳамда давлат идоралари билан мулоқотни йўлга қўйишда етакчи ўрин эгалламоқда.

Лорд Жеймс УОРТОН,
(Буюк Британия):



— Сўнгги йилларда фуқаролик жамиятини барпо этиш, унинг институтларини мустаҳкамлаш ва уларни ҳукумат фаолияти ҳамда халқ билан мулоқотга уйғунлаштириш борасида салмоқли ютуқларга эришилди. Бу соҳага муҳим сармоялар киритилмоқда ва у устувор йўналиш сифатида сақланиб қолмоқда. Бу жараённи барчамиз қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Дунёда мукаммал фуқаролик жамияти ёки ҳукумат билан фуқаролик жамияти ўртасида беками-кўст муносабатлар ўрнатган мамлакат йўқ. Бу узлуксиз жараён бўлиб, ўз мамлакатим – Буюк Британияда ҳам халқ манфаатлари йўлида зарур тузилмалар ва ташкилотларни такомиллаштириш давом этмоқда.

Умид қиламанки, бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, Ўзбекистон халқи учун янада кўпроқ наф келтиради. Зеро, бу ҳаммамиз кўришни истаган ижобий ўзгаришдир.

Татьяна ЗАИЧЕНКО,
Немис Халқ Университетлари Ассоциациясининг Ўзбекистондаги филиали раҳбари:



— Кейинги етти йилда Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил сиёсат туфайли нодавлат нотижорат ташкилотларининг имкониятлари янада кенгайди. Натижада ННТлар фаолият доирасини кенгайтириб, касбий ва таълим дастурларини такомиллаштирди, халқаро тажрибаларни ўрганиш ва алмашиш имкониятига эга бўлди. Замон талабидан келиб чиқиб, рақамли платформалар ва лойиҳаларни бошқаришнинг инновацион усулларини жорий этмоқда.

Ўзбекистондаги ННТлар бугунги кунда фуқаролик жамияти ва давлат тузилмалари ўртасидаги муҳим боғловчи бўғинга айланди. Улар айниқса, гендер тенглиги, ижтимоий ҳимоя ва таълим каби соҳаларда самарали фаолият юритмоқда. Қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчилик фикрини ифодалаб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шу тариқа ННТлар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим ўрин эгалламоқда.

Эмил ЧАПАРЛИ,
Озарбайжон Нодавлат ташкилотларига давлат кўмаги Агентлиги ижрочи директори ўринбосари:

— Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки ортиши ва давлат ҳамда жамият ўртасидаги мулоқотнинг яхшиланиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижига ижобий таъсир кўрсатади ва глобал ҳамкорликни кенгайтиради. Ўзбекистондаги динамик ислоҳотлар фуқаролик жамияти ролини кучайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, демократик бошқарувни ривожлантиришга ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш механизмлари, хусусан, грантларнинг шаффоф тақсимланиши ва ижтимоий лойиҳаларнинг амалга оширилиши давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги муҳим ўрнини кўрсатмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2024 йилда фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган фармон ҳамда Парламентнинг бу йўналишдаги шаффофликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга молик.

Нодавлат-нотижорат ташкилотлар учун солиқ имтиёзларининг жорий этилиши уларнинг молиявий барқарорлигини оширишга ва



фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилади. «Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофотининг таъсис этилиши ва грантларни шаффоф ҳамда самарали тақсимлаш учун рақамли технологияларнинг жорий этилиши каби ташаббуслар фуқаролик жамиятининг динамик ривожланишига ёрдам бермоқда.



Мўъжаз ғор мўъжизаси



Омонқўтон қишлоғи Ургут туманининг жанубий-шарқий қисмида, яъни Зарафшон тоғ тизмалари бўйлаб, тоғолди ҳудудида жойлашган қадимий гўша саналади. Айнан шу қишлоқдан қадимда Буюк ипак йўли ўтган ва Самарқанд вилоятидан топилган энг қадимий ёдгорликлардан бири, ўрта полеолит даврига оид "Омонқўтон ғори" ҳам шу ҳудудда жойлашган.

Маълумотларга кўра, "Омонқўтон ғори" 1947 йилда археолог Давид Лев томонидан топилган. Ғор очилган пайтда МДҲ давлатлари ҳудудида 166 та палеолит даврига оид ёдгорликлар аниқланган. Бундан кўринадики, Самарқанд давлат университети полеолитчилар гуруҳи ўша вақтда полеолит даври ёдгорликларини ўрганишнинг анча тараққий этган услубидан фойдаланган. Макон Чақулқулён тоғларида денгиз сатҳидан тахминан 1300 метр баландликда, Самарқанд шаҳридан 45 километр жанубда жойлашган. Ғорда тадқиқотлар 10 йил давом этган. Объект маданий қатламларининг қалинлиги 0,25 дан 1,5 метргача етади.

– Ғор миллий табиат боғи ҳудудида жойлашган, – дейди Омонқўтон миллий табиат боғи директори Азамат Амруллаев. – 1947 йилгача бу жойда ғор бор-йўқлигини шу ерда яшаётган аҳоли ҳам билмаган. Самарқанд давлат университети археология кадераси профессори Давид Лев қадимий ғорни аниқлаб, қазишма ишларини олиб борган. Археологик қазишма ва тадқиқотлар натижасида ғорда ўрта полеолит даврига оид одамлар, турли жонзот ва ҳайвонларнинг 16 минг дона суяклари, гулхан, ўчоқлар, ов ва иш қуроллари топилган. Ҳар йили баҳор ойларида ер ости сув сатҳининг кўтарилиши натижасида ғордан сув чиқади. Ушбу жараён май ойининг охиригача, баъзида саратонга қадар давом этади ва сув ўз-ўзидан қурийди. Афсуски, шу йил баҳорда иқлим ўзгариши натижасидами сув чиқмади.

Ғорнинг умумий узунлиги 82 метр бўлиб, ичкарига 10 метр кирилганда баландлиги қарийб 4 километрлик кенг жой бор. Ғор ичкарисига кирганимизда супа ва битта хонага бўлинганини кўрдик. Хона оқ тошлардан қилинган ва ҳозиргача рангини йўқотмаган. Ғор ичкарисида намгарлик сақланиб қолган бўлса-да илиқ экан. Айтишларича, ғор куз ва қиш фаслида илиқ, баҳорда сув билан тўлиб, ёзда салқин бўлади. Деворлар жуда қадимий, нақшга ўхшаган чизиқлар ва сув чиқадиган тирқишлар билиниб турибди. Ғор ичкарисида қарийб 40-50 метр юрганимиздан кейин тор йўлакка дуч келдик, лекин у ердан ўтишнинг имкони бўлмади.

Миллий боғ директори Азамат Амруллаевнинг сўзларига кўра, ғор ичкарисидаги йўлак кейинги йилларда қисқариб бормоқда. Аммо шу йўлакдан ўтгандан кейин 25-30 метр яна ғорнинг охиригача кенг жой бор. Бир сўз билан айтганда, ғорнинг аниқланиши ва ғордан топилган археологик топилмалар нафақат ибтидоий давр, балки одамларнинг ҳаёти, яшаш тарзи, ов ҳамда иш қуроллари балки қадимги палеоиқлим ҳақида ҳам муҳим маълумлотлар беради.

Қадимий ғор ноёб ўсимлик ва ҳайвонот турлари мавжуд, ўзига хос ландшафтга эга, тоғ ёнбағрида, 1,5 минг гектар майдонни эгаллаган боғ ҳудудида жойлашгани билан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Баҳор ва ёз ойларида миллий боғ ҳудуди маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар билан гавжум бўлади.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 мартдаги қарори асосида «Омонқўтон миллий табиат боғи» ташкил этилган, – дейди Азамат Амруллаев. – Миллий боғни ташкил этишдан асосий мақсад табиатни асраб-авайлаш, ўрмон ва тоғолди ҳудудлардаги йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан иборат. Ҳудуднинг 1000 гектари қўриқхона зонаси, 400 гектар рекреацион ва 100 гектари хўжалик юритишга мўлжалланган. Боғда 1300 турдан зиёд ноёб ўсимлик ва дарахтлар, 120 турдан ортиқ ҳайвон ва жонзотлар яшайди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳудудда 15 нафар ходим фаолият кўрсатади. Шунингдек, ҳудудда таъқиқловчи ва огоҳлик белгилари ўрнатилган бўлиб, миллий боғга келувчи маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар ҳамда аҳоли ўртасида боғининг қўриқхона зонасига рухсатсиз кирмаслик, ноёб ўсимлик, дарахт ва жонзотларга зиён етказмаслик борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Аммо кейинги пайтда миллий боғ ҳудудидаги маҳаллий аҳоли томонидан «Қизил китобга» киритилган доривор ўсимлик ва гулларни узиш, зиён етказиш, қўриқхона зонасида чорва молларини боқиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 10 га яқин ҳолатда фуқаролар томонидан қонунбузилиш ҳолатлари кузатилган ва тегишли тартибда чоралар кўрилган. Айтиш жоизки, табиат боғининг қўриқхона зонасига кириш, ўсимликларни пайҳон қилиш, «Қизил китобга» киритилган ўсимликлар ва гулларни узиш, шикастлантириш, дарахтларни, буталарни кесиш, ўтин ва шох-шабба олиш, доривор-зиравор ўсимликларни (тоғ чойи, кийик ўти, зира ва бошқа дориворлар)ни териш, ҳайвонот дунёсига зарар келтириш Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатларига мувофиқ, маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат рамзларига нега ҳурматсизлик қиляпмиз?



Давлатимиз рамзларида халқимизнинг шаъни, ғурури, ор-номуси, тарихий хотираси ва орзу-умидлари акс этган. Бироқ кейинги пайтда давлатимиз рамзларига ҳурматсизлик қилинаётганига тез-тез гувоҳ бўляпмиз.

Америкада яшайдиган танишимнинг айтишича, АҚШ оилаларида эрталабки нонушта ёки кечки овқат пайтида телевизорда гимн ижро этилса, ҳамма ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйиб, биргаликда куйлар экан. Чунки бу юртга, миллатга ҳурмат белгиси ҳисобланаркан. Биз эса мадҳия тинглашни оддий ҳолдек қабул қиламиз. Ҳатто мадҳия янграса ҳам унга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатамиз.

Яқинда олийгоҳ битирувчиларига диплом топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирларнинг бирини ёритдик. Унда битирувчиларнинг ота-оналари ва яқин қариндошлари ҳам иштирок этди. Тадбир бошланишидан олдин бошловчи ҳамма жойини эгаллашини ва бироздан кейин давлат мадҳияси янграшини эълон қилди. Мадҳия бошлангандан сўнг тадбир иштирокчиларини суратга олар эканман, кимдир телефонда ёки ўзаро гаплашаётгани, биров кўксига қўлини қўймагани ва яна кимдир орқада ўтириб олганига гувоҳ бўлдим.

Айтиш жоизки, бу ерда фақат одамларнинг эмас, балки тадбир ташкилотчиларининг ҳам айби бор. Тадбирларни ташкил этишдан олдин миллий менталитетимизга путур етказиладиган жиҳатлар эътиборга олиниши ва олдиндан бу ҳақда ўйланиши керак. Зотан, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматидаги махсус кийимдаги шахслар эса қўлини бош кийимига қўйиб тинглайди», деб белгилаб қўйилган. Афсуски, кейинги пайтда бу қоидаларга амал қилинмаяпти ва нафақат давлатимиз мадҳияси, балки давлатимиз герби ҳамда байроғига ҳам ҳурматсизлик ортиб бормоқда.

Герб – бу бир давлатни бошқалардан ажратиб турадиган нишони, рамзи ва тимсолидир. Герб қайси давлатга тегишли бўлса, ўша давлатнинг тарихий анъаналарини ифодаловчи рамзий аҳамиятга эга бўлган тасвирлар йиғиндисидан иборат. Мамлакатимиз гербидаги ҳар бир ранг, чизиқ, белги чуқур рамзий маънога эга. Жумладан, гербнинг пастки қисмида, давлат байроғини эслатувчи чамбар бандида зарҳал ҳарфлар билан барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган «Ўзбекистон» сўзи битилган. Давлат байроғи эса бир парча мато эмас. У жасорат, ор-номус, шон-шараф белгиси, мустақиллигимиз тимсоли, унда ўзлигимиз мужассам. Ана шуларнинг барчаси миллий валюта¬мизда ҳам акс этган, яъни пулда давлатимиз рамзларининг тасвири туширилган.

Ачинарлиси, сўнгги вақтларда тўй-ҳашам ва шунга ўхшаган тадбирларда урфга айланган иллат – пул сочиш давлатимиз рамзлари оёқ ости қилинаётгани, обрўси тўкилаётганини кўрсатмоқда. Умуман, тўйлардаги дабдабабозлик, исрофгарчилик, пул сочиш ҳолатлари ҳақида кўп гапирилади ва масала долзарб муҳокамаларга ҳам сабаб бўладию, ўт олмаган чўғдай тутаб-тутаб яна ўчиб қолади. Пулларга ёзиш ҳам рамзларимизга бўлган ҳурматсизликдир.

Хўш, давлат рамзларига ҳурматсизлик учун қонунчилигимизда қандай жавобгарлик бор?

Жиноят кодексининг 215-моддаси «Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш» деб номланади. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш - энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади".

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс»нинг 2031-моддаси «Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланади. Унга кўра: Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима қўлланилади.

Қонунчиликда жавобгарликлар белгиланган, аммо тўйда пул сочиб, давлатимиз рамзларини оёқ ости қилган, тадбирларда давлат мадҳиясига менсимай ҳурматсиз муносабатда бўлаётган шахсларга нега жазо қўлланилмаяпти? Аслида юртини, халқини севган, унинг келажаги учун қайғурган одам давлат рамзларига ҳурматсизлик қилмайди.

Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.



ВАТАНДОШЛАРИ ҲИМОЯСИГА ШАЙ ТАДҚИҚОТЧИ

Ўзбекистонда ҳар йили умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларини қарийб 650 минг нафар ёш битиради. Уларнинг маълум қисми юртимиздаги олий ўқув юртларидан бирини танласа, баъзилари таълимни хорижда давом эттиришни ният қилади. Қолаверса, бу ёшлар орасида чет элдан мустақил иш қидирадиганлари ҳам кам эмас.

Мамлакатимизда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими жорий этилмоқда. Унга кўра, хорижга чиқиб кетаётган фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш, хорижда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур ижтимоий ва ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш каби масалаларда изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ соҳада муаммолар ҳам етарли. Хусусан, чет элда алданиб қолаётган, молиявий қийинчиликлар ёки мамлакат тили ва маданиятини, қолаверса, ўз ҳуқуқларини яхши билмай турли тушунмовчиликларга дуч келаётган ёшлар талайгина. АҚШдаги Пенсилвания давлат университети ҳуқуқ мактабининг магистратура босқичи битирувчиси, ватандошимиз Муҳаммад Ҳақбердиев масаланинг шу жиҳатларини чуқур англаган ҳолда ўз илмий ишини айни мавзуга бағишлаган.

Муҳаммад Ҳақбердиев соҳадаги изланишларини 2020 йилдан бошлаган бўлиб, ҳозир замонавий дунёда инсон ҳуқуқлари ва иммиграция қонунчилиги масалаларига бағишланган илмий-тадқиқот фаолиятини АҚШда давом эттирмоқда.

— Тадқиқотларимга Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидаги талабалик йилларимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти қошидаги “Ёш қонуншунослар” клубига аъзолигим туртки бўлган, — дейди Муҳаммад Ҳақбердиев. — Депутатлар ва хорижий ташкилотлар вакиллари билан учрашувларнинг бирида устозларимиз ва соҳа мутахассислари томонидан муҳокама этилган миграция ва иммиграция ҳуқуқи соҳасидаги жараёнлар, айниқса, Ўзбекистонда долзарблашаётган масалалар эътиборимни тортди.

Муҳаммад Ҳақбердиев илмий изланишлари натижасида 2020 йили Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг “Мусофир” мобил иловасини ишлаб чиқишда раҳбарлик қилди. Бу илова хориждаги ўзбекистонликларни ҳуқуқий, психологик ва низоларни ҳал этиш бўйича маълумотлар билан таъминлашга қаратилган бўлиб, кўплаб мамлакатлардаги иммиграция қонунчилигини ҳисобга олган ҳолда яратилди. Лойиҳа изланишлар ва ижтимоий муносабатларнинг ўзгариб бориши сабаб 2022-йилда янгиланиб, унга оғир вазиятда қолган ватандошларимизга хайрия маблағларини тўплаш орқали ёрдам бериш функцияси ҳам қўшилди.

2022 йили эса ёш тадқиқотчи “Хавфсиз миграция” лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳа Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилиши таъминланди. У хорижга меҳнат ва таълим олиш мақсадида кетаётган ёшларга қонуний меҳнат миграцияси ва меҳнат муҳофазаси бўйича асосий билим ва кўникмаларни беради. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, алдов ва фирибгарлик қурбони бўлишининг олдини олиш ҳамда хорижга чиқиш, хорижий мамлакатда бўлиш тартиби билан таништиришни мақсад қилган.

— Бугун ёшларимиз дуч келаётган асосий муаммолардан бири, бу уларнинг хорижий мамлакат тилини билмасликларидир. Қолаверса, кўпчилиги ўзга мамлакат қонунчилиги ва жамият қоидаларидан хабардор эмас, ўз ҳуқуқларини билмайди. Ўрганишларим асосида аён бўлдики, аксарият ёшларимиз миграцияга тайёргарлик кўришмайди, ҳаттоки, оддий элементар қоидаларни ёддан чиқаришади ва шу сабаб асосий муаммолар юзага келади. Кўплаб чегара ўтказиш пунктларидаги масалалар ва хорижий мамлакатда қонуний бўлишнинг биринчи даврида қилиниши керак бўлган ишларнинг амал¬га оширилмаслиги юзасидан юборилган мурожаатлар билан жуда кўп маротаба ишлаганман, — дейди тадқиқотчи.

Унинг таъкидлашича, бугун юртимиздан хорижга таълим олишга кетувчилар асосан икки турга бўлинади: юқори мартабали ОТМларга интилувчилар, улар жуда юқори салоҳият, тил билимлари ва ҳар томонлама кенг дунёқарашга эга ва муаммоларга дуч келиш эҳтимоли жуда паст ёшлар. Кейингиси ўрта ёки паст мартабали ОТМларни танлаган тил билими даражаси паст, университетга ўқишга киришда консалтинг фирмалари ёрдамидан фойдаланадиган ва шу сабаб кетма-кет муаммолар гирдобида қолиши мумкин бўлган ёшлар. Бу борадаги муаммоларнинг негизи, айрим ёшлар билим олиб, ўзлари мустақил интилиш ўрнига консалтинг хизматлари орқали осонгина мақсадга эришиш мумкин эканлигига ишониб қолаётганликларидир.

Муҳаммад Ҳақбердиев ташаббуси билан 2022 йилда “Сайёр қабуллар” лойиҳаси амалга оширилди. Бу лойиҳа доирасида Жанубий Корея, Туркия, Германия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига хизмат сафарлари уюштирилиб, ўзбекистонлик ёшларнинг ҳуқуқий ҳолати ўрганилди ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди. Ушбу ташаббус орқали бошқа давлатлардаги ёш ўзбекистонликларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳамда юзага ке¬лаётган муаммолар ўрганилиб, иммиграция ва ёш¬лар соҳасидаги ташкилотлар билан дипломатик ҳамда ишчи алоқалар ўрнатилди. Қувонарлиси, қаҳрамонимиз бошчилиги ва ташаббусида “Сайёр қабуллар” ва “Хавфсиз миграция” лойиҳа тренингларида 10 мингга яқин ёшлар етакчилари хориждаги ёш лар билан ишлаш тизимига ўргатилган ва натижада минглаб муаммоси бор ёшлар аниқланиб, уларнинг муаммоларига ечим топилган.

Бундан ташқари, самарқандлик 28 ёшли тадқиқотчи бугунга қадар бир қатор ютуқларга эришди. Хусусан, 2020 йили “Адолат” СДП томонидан ташкил этилган “Энг яхши ижодий иш” танловидаги иштироки ва илмий изланишлардаги фаоллиги учун ЖИДУ стипендияси ғолиби бўлди. 10 дан ортиқ халқаро конференцияларда спикер, ҳакам ва ташкилотчи сифатида иштирок этиб, сертификатлар билан тақдирланган. Улар орасида Туркий Давлатлар Ташкилоти, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти эътирофлари алоҳида эътиборга сазовор. Қолаверса, бугунга қадар унинг кўплаб илмий мақолалари турли илмий журналларда чоп этиб келинмоқда. Муҳаммад Ҳақбердиев ҳозирги кунда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг АҚШдаги координатори сифатида волонтёрлик асосида фаолият олиб бормоқда.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1110
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



Мамлакатимизда сўғд тили бўйича ягона мутахассис саналган филология фанлари доктори Азимхўжа Отахўжаев билан туркий, араб, сўғдий, форсий ва бошқа тиллар бобида суҳбатлашиб турамиз.

Олим Туркистон туркчаси, яъни бугунда биз ўзбек тили дея атаганимиз ва умуман туркий ва форс-тожик тилига ўтган сўғдча сўзлар луғатини ҳозирламоқдалар. У кишининг фикрларига кўра бизнинг туркий тилда йигирма-ўттиз фоизгача сўғд сўзлари бор. Бу ҳисса форс тилининг тожик ва дари лаҳжаларида эллик фоизга қадар экан. Маълумки, етти асрлик Турк хоқонлиги даврида давлат тили, сарой ва халқаро мулоқот тили турк тили бўлган...

АЛИФБОГА ҚЎЙИЛГАН

ОЛТИН ЁДГОРЛИК

Тил – ҳар бир халқнинг ўзлиги, борлиги ва келажагидир. Энг фожиали томони шундаки, бугунги кунда ҳар икки ҳафтада дунё бўйича битта истеъмолдан чиққан тил ва лаҳжа йўқ бўлар экан.

Бир миллат номи билан аталадиган давлатда расмий давлат тилидан бошқа тилларга эътибор берилмаса, инсоният маданиятининг асоси, илдиз унсури бўлган бу каби тиллар йўқолиб кетаверади.

Бир халқ ўз тили маданияти ва маърифатини тарғиб этар экан, бошқа бир халқларнинг оёғини босиб унинг тилу эътиқоди, урф-одати ва маънавиятига дахл қилмаслиги керак.

Инсон, шахсияти мукаммал шаклланган киши сифатида, қайси миллатга мансублиги билан эмас, инсонлиги билан фахрланиши мумкин. У шу юксак шарафга муносиб буюк ишларни қила олган ёки фикрларни айта олган бўлса инсондир, албатта.

Зеро, илм савоби ибодат савобидан устун. Жоҳилнинг ибодатидан олимнинг уйқуси афзал дегандек, фақат ҳақиқий илм-урфон, адлу адолат, соғлому тўғри фикрлай билмоқ, салоҳият ва ақли салимлик билан улусни келажакнинг нурли манзиллари томон етакламоқ мумкин.

Назаримда бизнинг халқ каби гапнинг каштасини келтириб қўнишадиган, чўпон ёки оддий боғбон бўлса-да, ота сўзлари, мақолу маталлар, теша тегмаган иборалар билан ҳангома берадиган бошқа улус бўлмаса керак. Бироқ айрим ҳолатларда саводсизлик ва чаласаводликдан бу гурунгу ҳангома кўнгил айнитувчи, мақсадсизу маъносиз, маиший суҳбатга айланиб кетади.

Мутахассислар тадқиқотларига қараганда дунёдаги бир ярим миллиард мусулмон нуфуснинг эллик беш фоизи ўқима-ёзмани билмас экан. Бу – ислом дунёсида урушу савашлар, террору жонли бомбалар давом этаверади демакдир. Бироқ у замонлар ўтиб кетди. Энди дунёвий қадриятлар ва фалсафалар негизида фикрлаб, замонавий илмий-технология ютуқлари асосида одим отмай, яна ўша ибтидоий ақида ва анъаналар тамолида яшайман деган қавму қабилалар улусларнинг орқа оёғи бўлиб қолаверадилар.

Эл, миллат, халқ борлиги билан эмас, не буюк ҳадафлару улуғ мақсадларга интилаётгани билан миллатдир, халқдир. Тили, маданияти, адабиёти, санъати, илму фанини юксалтира олса, такомиллаштира билсагина у илғор улуслар ҳам- жамиятига қўшила олади.

Бу ҳақда Херман Вамбери нима дейди: "...Шарқ қадимдан шеърият тўйғулари ўлкаси бўлиб келган... Шунинг учун ҳам ўтовда истиқомат қилувчи кишиларда шеъриятга бўлган иштиёқ Париж ёки Лондондаги маълумотли жамият аъзоларидагига қараганда кучлироқ эканлигига ҳеч ким ажабланмаслиги керак.

Ўрта Осиёда бир-бирига муҳаббат қўйган ёш ошиқ-мошиқлар ҳам, руҳоний ва оқсуяклар ҳам – хуллас, ҳамма-ҳамма поэтик ижодиётга бир хилда қизиқади. Мақолларни ёзма тилда ҳам, жонли тилда ҳам учратиш, юрт казо-казоларининг саройида ҳам, кўчманчининг ўтовида ҳам эшитиш мумкин. Саҳро ўғлони бундай "оталар сўзи"ни ҳамма вақт юзи жиддий тус олган ҳолда тинглайди. Мақол маъносига зид бўлган ҳеч қандай оқилона гап, ҳеч қандай иконтирувчи сўз унинг фикрига таъсир қила олмайди, унинг табиатидаги туғма мутаассиблик ҳеч нарсага аждодлар ва улар қолдирган ҳикматларнинг донолик билан айтилганича, нотўғри айтилмаганига астойдил, қаттиқ ишончидан бошқа ҳеч бир нарсада бунчалик кучли намоён бўлмайди".

Дарвоқе, кечмишда уч мингга яқин йил мобайнида ота-боболаримиз ўн олтита дунёвий салтанат, империялар икки юзга яқин бекликлар барпо этдилар. Туркия жумҳурияти президентининг тамғасидаги ўн олти юлдуз – ана шу давлатлар рамзидир. Республика президенти давлат раҳбарлари мусофирларини кутиб олганда ана шу – ўн олти давлат аскари либосини кийиб, қурол яроғини тақкан пиёдалар саф тортганча қўноқни қаршилайдилар.

Биз бугунги кундаги ҳаётимизни кечмишнинг элагидан ўтказиб кўра олсак ва тадқиқ эта билсакгина, келажакнинг йўлини ойдинлата оламиз.

Лондон, Париж, Нью-Йорк, Москва, Рим, Истанбул, Рио де-Женейро ва Мехико каби буюк дунё шаҳарларида кўчага чиқиб сайр этган ҳар қандай киши бир кун мобайнида ўн тўққиз-йигирмата ўзининг бевосита қон-қариндош, хешу ақрабосини учратар экан. Мен Деҳли, Таллин, Рига, Истанбул ёки Нью-Йоркда юрганимда юзи жуда менга таниш, қариндошларим каби кишиларга кўзим тушганда ҳайрон бўлган эдим. Сабаби барча қадимий битикларда қайд этилганидек биз бир ота-онанинг, яъни Одам Ато ва Момо Ҳавонинг авлодларимиз. Тилимиз, динимиз, ирқимиз, машрабимиз ва рангимиз турлича бўлиши мумкин. Бироқ қонимиз, жонимиз ва шаклу шамойилимиз бир хил. Минг, миллион балки миллиард йиллар бурун ота-оналаримиз бир бўлган. Замон силсилалари бизни турли қитъа, мамлакат ва ўлкаларга бўлиб ташлаган ҳамда ўша география бизнинг қисмату қадаримизни белгилаган. Демак, ҳали бу хусусда мутахассислар яна узоқ ва мукаммал тадқиқотлар олиб бориб сўнг хулосага келмагунга қадар биз масалага шу тарзда ёндошамиз.

Дейлик, юнон қавмидан Александр Македонский, мўғул улусидан Чингизхон, туркий элидан Амир Темур, французлардан Наполеон, яҳудийлардан Альберт Эйнштейн, гуржилардан Иосиф Сталин, олмонлардан Адольф Гитлер, Туркия туркларидан Мустафо Камол Отатурк ёки ҳиндлардан Махатма Ганди, Россиядан Владимир Ленин, Африкадан Нельсон Мандела каби дунё тарихида у ёки бу тарзда из қолдирган кучли ва даҳшатли шахсиятлар етишиб чиқди. Бу ҳолат шу халқларнинг ўзга эл-улуслардан қадимийроқ, ақллироқ ва маданийроқ эканлигини кўрсатмайди. Бу фактор шу халқларнинг ўша давр ва замондаги интилишу ҳаракатлари курашу енгишга бўлган муждалаларини намоён этади.

Дунёдаги барча тиллар қатори бизнинг она туркий тилимиз ҳам мана неча минг йилларки ўзининг зарофати, латофату тароватини сақлаб, асраб-авайлаб келмоқда. Мисрда истеъмолдан чиқиб кетган эски бир араб тилидаги сўзни топсалар, газеталар кунлаб биринчи бетларида шиор қилиб берар экан. Еревандаги Ачмеадин диний қароргоҳида арман алифбосига ҳар бири бир неча килограммдан келадиган олтин-ёмбиларда ёдгорлик қўйилган. Бу ишни дунё арманилари пул тўплаб, ўзларининг узоқ сирға ва билакузукларини топшириб, Совет тузуми пайтида амалга оширганлар.

Бизнинг турк халқи ҳам ўз алифбосига эга эди. Эндиликда бу имлодан фойдаланмасакда, унга юқорида тилга олингани каби бир ёдгорлик қўйиб имлосиз эл бўлмаганимизни оламга кўрсатсак қандай гўзал иш бўлур эди. Зотан она тилимиз ва она Ватанимиз барчамизнинг қисмату қадаримиз экан, бу хусусда табиийки имону эътиқодида бу ҳис-туйғулар мавжуд кишилар тилимизга бефарқ эмаслар.

Юрт, улус, Ватан учун бирор фойдали иш қилмоқ, маънавияту маърифат йўлида фидокорлик кўрсатмоқ, элнинг кўзи очиқ ойдини учун фарзу қарздир. Бежизга номи чиқмаган йигитдан, номи чиққан тепа афзал демайдилар.

Юрту улуснинг оғиру енгил юкини кўтармоқ, кўтара билмоқ – имонида Ватан ҳис-туйғуси жўш урган ҳар бир миллатдошимизга насиб этсин!

Бизнинг бир-биримиз билан меҳр-муҳаббатлашувимиз воситаси, адабиёту санъатимиз, маданияту маърифатимизнинг пойдевори бўлган она тилимиз эса сўнгсиз мангу яшаяжак! Уни яшатмоқ ва яшнатмоқ, сизу бизга боғликдир. Зотан дили тўғрининг тили тўғридир...

Халқ айтувига айланган ота сўзига қайтсак.

Олти йилда от янги,
Ўн йилда уюр янги.
Ўттизда ўтов янги,
Қирқ йилда қозон янги.
Эллик йилда эл янги,
Тўқсон йилда тил янги.

Нурали ҚОБУЛ,
Халқаро Чингиз Айтматов академияси академиги

